
Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
24 ИЮЛЬ, 1969 й.
ПАЙШАНБА
№ 171 (935).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ШАҲРИМИЗНИНГ БИР КУНИ

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Суратда: Калинин майдонидаги «Гулистон» ресторани.
Т. Тўрақулов фотоси.

ҚЎШНИ КОРХОНАЛАРГА

Бугун

«Ташсельмаш» заводи қуюв цехи азаматлари пахта териш машиналари учун қуйма тайёрлабгина қолмай, балки қўшни корхоналар учун ҳам қуйма маҳсулоти етказиб берадилар. «Узбекселькмаш», Чирчиқсельмаш», Андижон насос заводлари шундай корхоналардан ҳисобланади.

Бугун

қуювчилар «Чирчиксельмаш» машинасозлари учун навбатдаги қуймани жўнатдилар. Бу — йил бошидан бери жўнатилаётган 1000-буюртмадир. Буюртмани бажаришда коммунистик меҳнат зарбдори Н. Гараев, Э. Маннонов-лар катта жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

А. АШУРОВ.
ишчи-мухбир.

БУЮРТМАЛАР ТАЙЁР

Бугун

«Ташхимсельмаш» заводи коллективи Угандa мамлакатининг биринчи буюртмаси «ОТН» қурилмасини жўнатди. Шундай қишлоқ хўжалиги машиналари БАР ва Ҳиндистон мамлакатларига ҳам жўнатиш учун тайёрланяпти.

МАКТАБЛАР СЕССИЯ МУҲОКАМАСИДА

Бугун

меҳнаткашлар депутатлари Куйбишев район Советининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг 1969 йил 6 мартдаги «Республикада умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажарилиши ҳамда 1969-70-ўқув йилидаги вазифалари» деган масалани муҳокама қилишди. Ушбу масала юзасидан депутат, район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Г. В. Томато-Ротт доклад қилди. Район Советининг сессияси муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

▼ Шаҳримиз янгилиги

ФИЗИОГРАФ ТОШКЕНТДА

Бугун

шаҳримиз физиотерапевтлари ажойиб аппарат—физиограф олишди. Бу аппаратни Ленинграддаги «Красногвардеец» медицина техника-си бирлашмаси ходимлари тайёрлашган.

Бу аппарат дунёмизга биринчи марта келтирилди. Аппарат орқали юрак-буйрак системаси касалликларини тўғрисида комплекс тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин.

Улуғ сана олдидан

ЛЕНИНЧА КЎРИК

Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район партия комитетининг ташаббуси билан Фрунзе ва Сергели районларидаги корхоналарда резервларнинг ленинча кўрки бошланди.

Ана шу кўрикка бағишлаб чиқарилган ва кўплаб саноат корхоналарига тарқатилган анкетада партия ходимларининг омманинг ижодий активлигини ошириш, хўжалигини бошқаришга ишчи ва хизматчиларни жалб этиш борасидаги ишлари ёзилган. Шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириб, маҳсулот таннархини камайтириш, тежамкорлик ҳаракатини кенгайтириш йўлидаги вазифалар ҳам ишчи-хизматчилар олдига қўйилган.

Район партия комитетининг бу ташаббусини райондаги саноат корхоналари коллективлари қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Тарқатилган анкеталардан 3 мингдан ортиғига жавоблар олинди. Гарчи, ленинча кўрик якунланишига ҳали вақт эрта бўлса-да, бироқ яхши ташаббуснинг ажойиб натижалари шу кунлардаёқ кўзга яққол ташланмоқда.

Биргина «Ватан» мебель фирмаси ўтган ярим йил ичида планга қўшимча равишда 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, резервлардан оқилона фойдаланаётганини яққол кўрсатди.

ҚАРДОШЛАР АРМУҒОНИ

Кеча

қардош Қозоғистоннинг кўриқ ерларида етиштирилган бугдойдан шаҳардаги 1 ва 2-ун комбинатларн етмиш иккн вагон қабул қилиб олдн.

Шу куни ленинча меҳнат вахтасида астойдил меҳнат қилаётган 2-ун комбинати аъзоматлари республикамиз областларидаги савдо тармоқлари ҳамда нон заводлари учун ўн тўрт вагон сифатли ун жўнатишди.

Бугун

чорвачилик хўжаликларига ҳам концентрацияланган юқорн калорияли ем озуқасидан 22 вагон юборилди.

▲ Қишлоқ—шаҳарга

МИРИШКОРЛАР СОВҒАСИ

Бугун

Ҳандалакларнинг ёқимли ҳиди димоқни қитиқлайди. Ҳа. Олой бозорига Янгийўл районидаги Киров колхози мириш-корлари янги маҳсулотларини юборишди. Шаҳар аҳолисига икки тоннадан ортиқ ҳосил армуғон қилинди.

Анджон область Ленин районидаги «Победа» колхозидан 12 тонна, Тошкент область «1-Пскент» совхозидан 10 тонна ёз нозиг-неъматлари, ширин-шакар узумлар ҳамшаҳарларимизга юборилди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

МАМНУН БЎЛИШМОҚДА

Бугун

Чкалов номидаги самолётсозлик заводининг қурувчилари 4-турар-жой шаҳарчаси аҳолиси учун Лксупова кўчасида янги омонат касса ва янги почта бинosини қуриб фойдаланишга топширишди.

Омонат касса эшикларн ишчилар ва хизматчилар учун очиб қўйилди. Янги почта ходимлари эса, Лксупова кўчасининг 4-кварталига хизмат қила бошлади.

Кенгаш ҳужжатларига эътибор

Коммунистик ва ишчи партияларнинг она Ватанимиз пойтахти Москвада бўлиб ўтган Кенгаш ҳужжатларида жаҳон коммунистик ҳаракатининг улкан, бебаҳо тажрибаси умумлаштирилиб берилди. ҳозирги давр тараққиёти атрофлича таҳлил қилинди.

Барча юқодкор совет кишилари қаторн шаҳримиз меҳнаткашлари Москва Кенгаши ҳужжатларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Яқинда Ленин районидаги Октябрь 50 йиллиги номли автокомбинат коммунистларининг ана шу Кенгаш ҳужжатларини ўрганишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Коммунистларнинг бу анжуманида автокомбинат директори М. Файнлейб «Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва Кенгаши якунлари тўғрисида» батафсил гапирибберди.



Тошкентдаги электротехника заводида ленинча меҳнат вахтаси ой сайин кенг қулоч ёзмоқда.
Суратда: йиғув цехининг илғор йиғувчи слесари Маҳмуд Ғозиев.
Б. Холмирзаев фотоси.

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Бугун

Навоий кўчасида «Тошкент гуллари» бирлашмаси янги павильон очди. Павильонда турли хил гул уруглари, гул тувакларн, гуллар учун турли керамика буюмларини ҳам харид қилиш мумкин. Туғилган кун, тўйлар, тантанали маросимлар учун гулдасталар тайёрлаб берилади.

Гул ишқибозларн бу ерда мамлакатимиз ва республикамизнинг гуллари ва уларни етиштириш ҳақида тегишли маслаҳатлар оладилар.

«Тошкент гуллари» бирлашмаси кейинги олти ой давомида шаҳримизнинг янги бунёд бўлган микрорайонларида ана шундай гул павильонларидан тўққизтасини очди. Икп охиригача гул павильонларидан яна учтаси ишга тушади.

Қардошлар ёрдами

ТОШКЕНТ—ЧОРЖЎЙГА

Табиий офат — сув тошқини қардош Туркманистон ССРнинг Чоржўй шаҳрига катта зиён етказган эди. Офатнинг олди олинди. Совет Иттифоқининг турли бурчакларидан бу ерни тиклаш учун кетма-кет поездларда асбоб-ускуналар, озиқ-овқатлар кела бошлади...

Москва, Ленинград, Тошкент лойиҳачи-инженерлари ҳам шаҳарни қайта қуриш учун чиройли ва кўркам лойиҳалар чизиб юборишяпти.

КАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК НАМУНАЛАРИ

Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатишда горькийликлардан бир неча минг киши қатнашди. Уларнинг энг яхшилари ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова 22 июль куни кечқурун Горькийда илғор бинокорларга мукофотларни топширди. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига қардошларча кўмаклашган горькийликларни қизғин табриклади, уларга меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётларида тинчлик ва осойишталик тилади.

Ленин орденига сазовор бўлган бульдозерчи Д. И. Мехалиднн мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, горькийликларнинг Тошкент диёрида қилган ишларига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга самимий ташаккур изҳор қилди. Бизга орден топширилаётган вақт РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтказилаётган пайт билан бир вақтга тўғри келгани учун ҳам мен, ўртоқларим айниқса ҳурсандмиз, деди илғор бинокор. Бу ўн кунлик халқлар дўстлигининг ёрқин байрами бўлиб турибди. Шу дўстлик қонунларига биноан, ҳамма республикаларнинг вакиллари янги Тошкентни қуришда актив қатнашдилар.

(ЎзТАГ махсус мухбири).
Горький шаҳри.



Суратда: Тошкент экскаватор ремонти заводининг зарбдор ишчиларидан кўтарма кран машинисти Ольга Булавко ва бош мастер Карль Фрицлер ўртоқлар.

ҲАВАСКОРЛАР КЎРИГИ

Бугун

Тельман номли маданият ва истироҳат богидаги ёзги кинотеатр биносида Куйбишев район пионер лагерларидаги ҳаваскорлик коллективларининг кўриги бўлиб ўтди. Ёш санъаткорлар аниқумасида ўн бир пионер лагеридан келган қобилиятли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Район комсомол комитети, пионерлар уйи ҳамда район халқ маорифи бўлими ходимлари ҳаваскорлик коллективлари кўригининг ташкилотчилари бўлишди.

◆ Бир институт янгиликлари

Студентларга қулайлик

Бугун

Низомий номли Давлат педагогика институти 3-ётоққонасининг ёнида бежирим янги чойхона фойдаланишга топширилди.

Чойхона олдида сомсахона ҳам қуриб тугалланди. Бундан олдин ётоққона ёнгинасида янги сартарошхона фойдаланишга топширилган эди.

Дастлабки синов

Кеча

музикашунослик факультетига кирувчи абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари бошланди. Музика ва ашула фанидан бўлган бу имтиҳонда кўпгина абитуриентлар «яхши» ва «аъло» баҳо олдилар.

Дам олиш учун

Бу йил Хумсон қишлоғида институтнинг соғломлаштириш лагери очилди. Лагерда жамоатчи актив студентлар ёзги каникулни мароқли ўтказишади. Шу кунларда лагерда 50 разрядли спортчи дам оляпти.

Бугун

институт бўйича актив жамоатчи студентлардан 150 киши дам олиш учун Хумсон қишлоғига жўнаб кетди.

Мароқли практика

Яқинда табиият-география факультетининг сиртдан таълим олаётган 1, 2-курс студентлари Бўстонлик районидаги Оқтош қишлоғида ўқув практикасини ўтказиш учун жўнаб кетишди.

Улар ўн кунлик практикада география, зоология, ботаника ва тупроқшунослик фанлари бўйича олган назарий билимларини мустаҳкамлайдилар.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

◆ Фан янгиликлари

ТАДҚИҚОТЛАР ДОВРУҒИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институти олимлари ҳалқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қатор тадқиқотлар устида самарали ишлаб келмоқдалар. Бу ерда ишлаётган олимларнинг кўпи мамлакатимизда ва чет элларда ҳам ўзига хос илмий мактаблар ташкил қилган. Ҳозирги кунда бу ерда 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари ишлаб, ўз соҳаларида ўнлаб янги ихтиролар қилишган.

Институтда ишлаётган олимларнинг кўпчилиги ҳозирги замон электроникасининг энг муҳим соҳаларидан бўлган ярим ўтказгичлар физикаси ва техникаси соҳасида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу соҳада ишлаётган олимларнинг ютуқлари ҳақида кўп марта Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Доклады» журналида, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда чиқадиган илмий журналларда эълон қилинган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ф. Умаров, профессорлар Ю. Ахмедов, Ю. Попов, Ю. Ваксман, Ю. Гуревич, Ю. Муминов, Ю. Ниязметов, Ю. Ярошецкая, Ю. Ярошецкий, Ю. Ярошецкий, Ю. Ярошецкий

Ленин мангу яшайди

◆ Журналист ён дафтаридан

Ленин шаҳри бўйлаб

Доҳий яшаган жойларда бўлиш, ўқиган, эшитган нарсаларни кўз билан кўриш бир янги олам.

Мана, Ульяновск шаҳри бўйлаб бормоқдамиз. Бу кўчалардан Ленин юрган. Экскурсоводнинг шаҳар ҳақидаги, доҳий ҳақидаги ҳикояларини ҳамма жон қулоғи билан эшитмоқда:

—Мана бу қияликдан Ленин Волга соҳилига тушган... Сиз Свия дарёсидан ўтдингиз. Ёш Володя бу дарё бўйида сайр этишни яхши кўрар, ҳув анави жойда чўмилар эди...

У кўрсатган томонга тикиламиз. Гўё ҳаммамизга таниш Володя сувдан чиқиб келаётгандек туюлади. Йўқ, фақат бу ер эмас, шаҳардаги ҳамма нарса уни эслатади, уни кўрсатади.

Шаҳар ўтмиши ҳақидаги сўзларни тинглаб Илья Николаевич қабри олдига келиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Унинг қабри шаҳар марказидаги катта бир боғнинг ичида — дарахтзорлар орасида экан. Симбирск халқи уни ғоят ҳурмат қилгани учун ҳам шу ерга дафн этган ва бу жой меҳнаткашларнинг катта зиёратгоҳига айланиб қолган. Қабр чиройли панжара билан ўраб қўйилган бўлиб, ундаги мармартошни Ленинниинг онаси Мария Александровна қўйдирган экан. В. И. Ленин отаси қабрига тез-тез келиб, унинг тепасида сукут сақлаганга бўлган ҳурматини изҳор қиларкан.

Экскурсовод Илья Николаевич ҳаётига оид кўп воқеаларни гапириб берди. Тўғрисини айтганда, биз Ленинниинг отаси тўғрисида шунчалик катта таассуротга эга эмас эдик. Бола тарбияси ҳақида отанинг бурчи ю. умуман бола тарбиясида оиланинг роли хусусидаги барча гапларнинг ёрқин ойнасидир унинг ҳаёти.

Дарахтзорлар оралаб то боғдан чиққунга қадар Илья Николаевич ҳақида гап борди. У ўқимишли, ўз даврининг етук кишиси эди. Илья Николаевич Астраханда туғилган, сўнг Қозон университетида ўқиб, математика фанлари кандидати даражасига эга бўлган. У 1869 йилда Симбирскка келиб халқ ўқув юртида инспектор бўлиб ишлади. 1874 йилда унинг директори бўлди. Илья Николаевич шаҳарда маориф ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг бу ердаги фаолияти давомида мактаблар сони 89 тадан 434 тага етди. Мактаб директори ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, дарсликлар яратиш, дарсларнинг сифатини яхшилаш ва айниқса, ёшларни прогрессив руҳда тарбиялаш ишларига катта аҳамият берди. У чинакам демократ, гуманист одам эди.

Ленинниинг отаси ҳақидаги гапларни эшитиб, уни кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилиб келаётган эдикки, рўпарада унинг улуғвор ҳайкали пайдо бўлди. Уни ҳайкалтарош М. Г. Манизер ғоят зўр дид ва маҳорат билан ишлаган. Лениндек буюк фарзандни тарбиялаган, вояга етказган инсонга таъзим қилгинг, бош эггинг келади.

Яна зўр ҳаяжон билан Ленин шаҳри бўйлаб юришда давом этмоқдамиз. Шаҳарда ҳозирги баланд, салобатли иморатлар билан бир ёки икки қаватли ёғоч уйлар уйғунлашиб кетган. Айниқса, уй-музей жойлашган Ленин (илгариги Московский) кўчасини мумкин қадар асл ҳолича сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Бу кўчадаги 58-уйда В. И. Ленин қарийб тўққиз йил (1878 йил августидан то 1887 йил июнигача) яшаган.

Уйнинг этагида каттагина боғ бор. У қўшни Покровский кўчасига туташиб кетган. Турли дарахтлар экилган. Боғ ғоятда кўкаламзор. Ўртадан узун йўл кетади. Унинг икки чеккасида сирен очилиб турибди.

Боғ этагидаги дарахтлар орасида ғоят дид билан қурилган айвонча бўлиб, бу Ульяновларнинг боғ ишидан сунг тушда дам олиб ўтиришдиган кечқурунлари чақчақлашадиган жойлари экан.

Йўлка бўйлаб 50—60 метр чамаси юрилгач ҳовлига ўтилади. Ҳовлида хўжаликка мос омборхона, оғилхона, ертўла ва бошқа бинолар қурилган. Бир чеккада қудуқ. Ундан сал нарида крокет майдончаси. Крокет ўйинини Ульяновлар айниқса, Ленин жуда яхши кўрар эди.

Мана рўпарамизда Ленин яшаган уй. Москвадаги Ленин мақбараси олдидагидек гавжум бўлмаса-да, ҳар ҳолда бу ерга кириш учун анча-мунча навбат кутишга тўғри келди. То навбатимиз келгунча уй-музей ҳақидаги кўп гаплардан бахраманд бўлдик.

Ленин яшаган бу уй 1929 йил 7 ноябрда музейга айлантирилган. Музейни ташкил қилишда Ленинниинг опа-сингиллари Анна ва Мария Ульяновалар, бу оиланинг яқини кишиси В. В. Кашкадамова, Ленинниинг дўсти ва умр йўлдоши Н. К. Крупская яқиндан ёрдам беришган. Бу уйдаги ҳамма нарса — худди ўтган асрнинг 70—80 йилларидагидек... Деворларнинг ранги ҳам, буюмларнинг жойлашиши ҳам, каравотдаги одеяларнинг туси ҳам ўша даврда қандай бўлса, шундай кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Бу уйда жами ўнта хона бўлиб, уларнинг барчаси Ульяновларнинг катта, аҳил оиласи ҳаёти ҳақида яхши таассурот берди.

Дастлаб меҳмонхонага кирдик. Ғоят шинам, оддий ясатилган. Рўпарадаги дераза олдида қадимий рояль кўзга ташланади. Қаранг. бунинг чалинганига 89 йил бўлибди. Мана бу ерга Мария Александровна ўтирган. У рояль чалишни жуда яхши кўрарди. Онасининг бармоқлари рояль устида юрганда кўпинча Володя унинг тепасига келиб куй тингларди.

Хонада яна стол, кресло, диван ойна, дераза олдида эса тўвакда гул бор. Бу хонада одатда кўп меҳмонхоналарда бўладиган дабдабали ҳашаматли буюмлар йўқ ва дабдабали кечалар ҳам бўлмаган. Фақатгина яқин танишлар, қариндошлар тез-тез келиб суҳбат қуришарди. Асосан бу хона оиланинг дам олади-ган, ўйин-кулги қиладиган жойи бўлган.

Меҳмонхонадан Ленинниинг отаси Илья Николаевич хонасига ўтдик. Бу ердаги барча нарсалар у ҳақда боғда эшитган гапларимизни тўлдирди, унинг қандай одам эканлигини кўз ўнгимизга келтирди.

Мана Ленинидек буюк зотнинг онаси Мария Александровна яшаган хона. Назаримизда ҳамма хонадан ҳам ёруғ, файзли эди у. Мария Александровна болаларига ғоят меҳрибон ва талабчан, маданиятли, оқила она эди.

Навбатдаги хонага ўтамиз. Бу хона бошқаларига қараганда анча катта. Жиҳозларга назар ташлаймиз; ўртада чўзинчоқ катта стол, деворда соат, Европа ва Осиёнинг географик харитаси осиғлиқ. Бурчакда тикув машинаси, дераза олдида ва хонанинг турли жойларида тувакда гуллар, буфет олдидаги столда самовар, икки чеккасида ойна ичида мураббо солинадиган ваза, қумуш қошиқ ва чой қошиқ турибди. Ўртадаги столда шахмат тикилган. ҳар ер-ҳар ерга китоб қўйилган.

Демак, бу хона фақат овқат ейиладиган жой эмас. Бу ерда оила аъзолари йиғилишиб, дам олишар. турли масалалар юзасидан баҳслашишар, шахмат ўйнашарди... Бу ерда яна бир диққатга сазовор янгилик эшитдик. Оиланинг «Субботник» деган кўлёзма журнали бўлиб кўпинча шанба оқшомлари шу хонада муҳокама қилинарди.

Шу хона ёнига болалар энагаси Варвара Григорьевна Сабатова хонаси жойлашган. Бу аёл Ульяновлар оиласига Владимир Ильич туғилган йили келган ва улар билан 20 йил яшаган.

Ульяновлар уйидан сўнг 8—10 минут чамаси юриб Ленин таълим олган мактабга келдик. Гимназия Совет кўчасидаги икки қаватли бинога жойлашган. Кираверишда бу ерда В. И. Ленин номли 1-ўрта мактаб жойлашганини билдирувчи вивеска кўринди. Ташқи кўринишидан унчалик катта бўлмаган бу бино ичкарига кирганимизда жуда катта бўлиб кўринди. 1-мактаб коллективи бу ерда Ленин ўқиганлиги билан фахрланиб, унинг номи билан боғланган барча нарсаларни кўз қорачиғидай сақлаб келмоқда.

Ульяновскда биз Ленин номи билан боғлиқ яна кўп жойларда бўлдик. Шаҳарни Ленин ҳаётини акс эттирадиган катта бир музей дейиш мумкин.

Мурод АМИНОВ.



Россияга нетиш олдидан. И. Беляков чизган сурат (ТАСС фотохроникаси)

Доҳий васиятлари амалда

Ўзбекистоннинг революциягача бўлган индустриясида кичкина-кичкина олтита электростанция, кустар ҳолидаги битта нефтни қайта ишлаш заводи, йигирмата кичкина гишт ва цемент заводлари, ярим кустар ҳолидаги ремонт-механика устахоналари бор эди, оғир саноат тармоқлари атиги 2 процент ялпи маҳсулот берар эди.

Эндиликда бизнинг республикамиз минг-дан ортиқ йирик корхоналарни ўз ичига олган юздан ортиқ саноат тармоқларига эгадир. Ҳозир Ўзбекистондаги электростанциялар революциягача бўлган Россиядаги барча электростанцияга қараганда 5,9 марта кўп электр қуввати ишлаб чиқармоқда. В. И. Ленин Ўрта Осиёда суғориш ишларига ғоят катта аҳамият бериб, бундай деган эди: «Суғориш ҳаммадан ҳам зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

Ҳозир Ўзбекистонда замонавий гидротехника иншоотлари билан қуролланган 900 дан ортиқ суғориш системалари ишлаб турибди.

Октябрь революциясига қадар Ўзбекистонда жами 139 та врач бор эди. Ҳозир эса республикада замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 1205 та шифохона бўлиб, буларда 19 мингга яқин врач ишлаб турибди.

ИККИ МАНЗАРА

«ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТЎЛА-ТЎКИС ОЗОД ҚИЛМАЙ ТУРИБ, ПРОЛЕТАРИАТ ТЎЛА ОЗОДЛИККА ЭРИША ОЛМАЙДИ»,— деб башорат қилган эди В. И. Ленин.

Доҳийнинг бу сўзлари мамлакатимизда тўла-тўкис амалга ошди. Совет мамлакатида хотин-қизларга ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан баб-баравар қатнашиш ҳуқуқи берилган. Масалан, СССР саноатида банд бўлган жами ишчиларнинг салкам 47 процентни, қурилишда 28 процентни, транспортда 24 процентни, соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаётган мутахассис ходимларнинг 72 процентни хотин-қизлардан иборат.

Дунёдаги ҳеч қайси капиталистик мамлакатда хотин-қизларга бундай бахтиёрлик берилган эмас. Масалан, АҚШнинг йирик саноатида мастер ва малакали ишчи хотин-қизлар сони барча ишловчи аёлларнинг бир процентига ҳам тўғри келмайди. Англия машинасозлигида малакали ишчи хотин-қизлар сони 4 процентдан ҳам камроқдир.

1917 йилда бутун Россияда хотин-қизлардан 600 инженер бор эди. Ҳозир Иттифоқимизда 545 мингдан ортиқ инженер хотин-қиз ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Буюк Октябрь доҳий Ленин ва у тузган Коммунистик партия мамлакатимиздаги барча миллат аёллари қатори ўзбек хотин-қизларига ҳам бахту иқбол йўлини очиб берди. Ҳозир Ўзбекистонда хотин-қизлардан 6,6 мингдан зиёд илмий ходим бор. Улардан 42 киши фан доктори, 23 киши профессор, 1100 дан кўпроғи фан кандидатларидир.



Шаҳримиз мўйқалам усталари ҳам В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб армугонлар ҳозирламоқдалар.
Н. Глауберзон ва Н. Сироткин фотоси.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

Ўтган 40 йил мобайнида (1929—1968) СССРда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 66 баравар ўсди. Шу давр мобайнида СССРда саноат маҳсулотининг ҳажми ўрта ҳисобда ҳар йили 11 процент ошди. АҚШда эса 4 процент, Англия ва Францияда 2,5 процент ўсди, холос.

1968 йилда совет саноати ҳар 5,5 суткада бутун 1928 йил давомида чиқарилган маҳсулот ишлаб чиқариб турди.

1928 йилда СССРда 5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинган эди, ўтган йили эса 638 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

1968 йилда мамлакатимизда 107 миллион тонна пўлат эритилди. 1928 йилда эса жами 4,3 миллион тонна пўлат эритилган эди.

◆ Ленин йўлланмаси билан

Буюк саркарда

ДИҚҚАТ билан қарайсиз суратга: узоқларга кўз тикиб турган, содда, ўйчан ва меҳрибон сиймо дарров эътиборингизни жалб этади. Бу киши халқимизнинг содиқ фарзанди, ленинчи большевик, партия ва ҳукуматимизнинг таниқли арбобларидан бири Михаил Васильевич Фрунзедир. У 1885 йил 2 февралда Туркистон ўлкасининг қирғиз Олатови этагида жойлашган Пишпак қишлоғида туғилди.

М. В. Фрунзе ёшлигидан бошлаб марксистик адабиётга қизиқди. Бу адабиёт ёш Фрунзе дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

«Революцион ғоялар билан—деб эслаганди кейинчалик М. В. Фрунзе, — дастлаб, гимназияда бўлганимда мустақил ўқиш тўгарагида танишгандим».

У 1904 йилда гимназияни битириб, шу йилнинг ўзидаёқ большевиклар партияси сафига кирди. Орадан кўп ўтмай профессионал революционер бўлиб танилди.

У ўзининг қисқа, аммо ёрқин ҳаётини, бутун ижодий кучи ва ғайратини инқилоб ва халқ ишига бағишлади. Россия революцияси ҳаётида қатнашди, энг асосий участкаларда ишчиларни ўз орқасидан эргаштира олди.

Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг М. В. Фрунзе Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлашда, уни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Чет эл ҳарбий интервенцияси ва граждинлар уруши даврида партия Марказий Комитети ва Совет давлати М. В. Фрунзени уруш ҳаракатлари авж олган энг масъулиятли ва ҳавфли участкаларга юборди. У қаерда бўлмасин партияга, халққа бўлган оташин муҳаббати билан унга содиқлигича қолди.

1917 йил октябрида Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан бирга коммунистик партия раҳбарлигида помешчик ва капиталистлар ҳукмронлигини ағдариб ташлади. Советлар ҳокимияти ўрнатилди. Марказда ғалаба қилган социалистик революция тез орада мамлакатимизнинг бошқа ерларига тарқалди. 1 ноябрда — 4 кунли шиддатли курашдан сўнг Тошкентда, кейин бутун Туркистон ўлкасида ҳокимият советлар қўлига ўтди.

Аммо мағлубиятга учраган эксплуататор синф вакиллари чет эл капиталистларидан мадад олиб, совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун гражданлар урушини бошлаб юбордилар. Совет Россияси, шу жумладан, Совет Туркистони ўтли халқа ичида қолди.

1918 йил ёзида Туркистон территориясида тўртта фронт: Оренбург, Закаспий, Еттисув ва Фарғона фронтлари вужудга келди. Совет Туркистони қуршаб олинган қалъага ўхшар эди. Фронтлар уни марказий Россиядан кесиб қўйган эди. РКП (б) Марказий Комитети ва В. И. Ленин раҳбарлиги остида Туркистон большевиклари ўлка меҳнаткашлари оммасини улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга сафарбар этди. Ҳарбий-сиёсий шароитни ҳисобга олган ҳолда Шарқий фронтнинг бош қўмондони М. В. Фрунзе РКП(б) Марказий Комитетига мустақил Туркистон фронтини тузишни таклиф қилди. Фрунзенинг бу таклифи маъқулланди. 1919 йил 14 августда Туркистон фронти ташкил этилди. Унинг қўмондони этиб Михаил Васильевич Фрунзе, революцион советнинг аъзоси қилиб В. В. Куйбишев тайинланди.

Фрунзе раҳбарлигида Туркистон қўшинлари Колчакнинг жанубий армиясини тор-мор келтирди. Туркистонни Россиянинг маркази билан боғлади. Совет Туркистони фақат ҳарбий жиҳатдан эмас, балки сиёсий ва иқтисодий соҳада ҳам рус ҳалқи ёрдамига жуда муҳтож эди. Туркистонда контрреволюцияни ва интервенцияни тамомила тор-мор келтириш учун Ўрта Осиё ҳалқларининг дўстлигини ва руслар билан маҳаллий меҳнаткашлар иттифоқини мустаҳкамлаш, миллий тенгсизлик сарқитларини йўқ қилиш, меҳнаткашларни совет қурилишига кенг жалб қилиш учун 1919 йил ноябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Туркистон ишлари Комиссиясини (Турккомиссия) тузди. Унинг составига М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев ва бошқалар кирди. Бу комиссия Совет ҳукуматидан катта ваколат олган.

Масалан, В. И. Ленин томонидан 1919 йил 10 октябрда имзоланган ва М. В. Фрунзе номига ёзилган мандатда шундай дейилади: «Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети ўзининг 1919 йил 8 октябрдаги қарорига мувофиқ Туркистон ишлари бўйича комиссиянинг аъзоси М. В. Фрунзе Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва халқ комиссарлари Советининг намояндаси бўлиш ҳамда улар номидан Туркистонда ва унга қўшни давлатлар доирасида иш олиб бориш, юқоридаги қарорнинг учинчи моддасида баён қилинган тадбирларни амалга оширишда ёрдам қилиш ваколатини беради».

1920 йил августида РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси тузилди. Унинг составига М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев ва бошқалар кирди.

Фрунзе Туркистонда ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда меҳнаткашлар оммаси ўртасида жуда катта ташкилий, агитация-пропоганда ва маданий-оммавий ишларни олиб боришда актив қатнашди. Ўрта Осиё халқларини ўз она тилларида ўқитишнинг ташкил этилиши ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Фрунзе бу вазифанинг жуда муҳимлигини англаб, 1920 йил апрелидаёқ мактаб ўқитувчиларини ҳарбий хизматни ўташдан озод қилди. У раҳбарлик қилган Туркистон фронтининг сиёсий бошқармаси маҳаллий аҳоли ўртасида жуда катта ишлар олиб борди: агитпунктлар, қизил чойхоналар, агитпоездлар тузилди ва уларда халққа Совет ҳокимиятининг сиёсати тушунтирибб борилди.

М. В. Фрунзе жуда банд бўлишига қарамай, ўша пайтда Туркистонда ғоят муҳим бўлган хўжалик проблемаларига ҳам катта эътибор берди. У Туркистон фронти қўшинлари таъминоти тўғрисида ғамхўрлик қилибгина қолмай, балки диққатини бутун Туркистон республикаси олдида турган муҳим хўжалик масалаларини ҳал этишга ҳам қаратди.

Туркистон фронти штабининг Тошкентга кўчиб келиши Фрунзега фавқулодда мураккаб сиёсий ва ҳарбий ҳолатни ўз жойида чуқур ўрганиш имкониятини берди. Республикадаги аҳвол ғоят оғир эди: баъзи районлар ҳали ҳам оқгвардиячилар қўлида эди, озод қилинган районларда чет эл разведкаси билан алоқа боғлаган яширин ташкилотлар ҳаракат қиларди, контрреволюцион калла кесарларнинг қабиҳ ишлари кенг қулоч ёйган эди. Бўлаётган уруш ўлка экономикасини ҳамоман издан чиқарган эди.

Совет ва партия ташкилотлари ҳам кучсиз, сиёсий жиҳатдан етилмаган бўлиб, ўзларининг сиёсий-маъмурий ва хўжалик фаолиятида кўплаб хатоларга йўл қўймоқда эдилар.

Фрунзе ва Турккомиссиясининг бошқа аъзолари ленинча миллий сиёсатни амалга оширганлари ҳамда Туркистон Коммунистларини тўғри йўлга солишлари, миллий сиёсат соҳасида мавжуд бўлган икки оқимга қарши кескин кураш олиб боришлари лозим эди.

Маҳаллий миллатчилар ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар ва Ўрта Осиёдаги бошқа миллатларни сунъий равишда ана шу «турк миллати» деб бирлаштирмоқчи эдилар. Фрунзе Туркистон халқининг ўтмиш тарихини ва унинг халқларини яхши билганлиги сабабли, бунда «турк миллати» йўқ ва бундай миллат ҳеч қачон бўлмаганлигини далиллар орқали исботлаб берди.

М. В. Фрунзе партиянинг ленинча йўлини изчил ва оғишмай ҳимоя қилди ва амалга оширди. У партиянинг ғоявий душманларига ва партиянинг бирлигини бузувчиларга муросасиз бўлди.

Туркистон фронти қўшинларининг босмачиларга қарши олиб борган кураши тарихининг кўп эпизодлари Фрунзе номи билан чамбарчас боғлиқдир. У Совет ҳокимияти душманларига карши курашиш масалаларига ҳарбий мутахассис сифатидагина эмас, балки воқелик унинг олдига қўйган проблемаларни чуқур тушунган сиёсий арбоб, ленинчи коммунист сифатида ёндошди.

М. В. Фрунзе Хива ва Бухорода Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда фаол қатнашди. Унинг бевосита қўмондонлиги ва вазиятни чуқур таҳлил этиши, Қизил Армиянинг қаҳрамонлиги туфайли Хива ва Бухорода Советлар ҳокимияти қарор топди.

Бухоро операцияси Туркистонда М. В. Фрунзе раҳбарлигида амалга оширилган операцияларнинг энг сўнггиси эди. Бу операция Ўрта Осиёда гражданлар урушининг ғолибона тугалланишини, оқгвардиячилар ва интервентларнинг жиноятлари барбод бўлганлигини кўрсатди.

Халқимизнинг содиқ фарзанди, ленинчи революционер, толмас курашчи М. В. Фрунзени Ўзбекистон меҳнаткашлари зўр ҳурмат билан эслайдилар. Унинг ёркин далили республикамизнинг кўпгина табаррук ерлари унинг номи билан аталишидадир.

М. ДАВЛАТЮСУПОВ,
Тошкент Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедраси профессори.
Т. ҲАКИМОВ,
илмий коммунизм кафедраси ўқитувчиси.



СУРАТДА: Ульяновскдаги В. И. Ленинниинг отаси И. Н. Ульяновга ўрнатилган ҳайкал.

ДЎСТЛИК ТУФАЙЛИ

Мамланатимизда қарор топган халқлар дўстлигининг монолит бирлиги, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми ленинча миллий сиёсатнинг чинакам тантанасидир. Ҳозир Ўзбекистонда 113 миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Тошкентда юз берган зилзиладан кейин ўзбек халқига қардошларча ёрдам кўрсатиш учун келган иттифоқчи республикалар, Москва ва Ленинград бинокорлари ўз кучлари ва маблағлари билан 1 миллион 200 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа коммунал ҳамда маданий-маиший хизмат объектлари қуриб беради. Бу совет халқларининг ленинча қардошлигига улкан бир мисол бўла олади.



ЛЕНИНГРАД. Смольнийдаги Октябрь штаби.



ЛЕНИНГРАД. Смольнийдаги бу хонада В. И. Ленин 1917 йилнинг ноябрь ойи ўрталаридан 1918 йил 10 мартигача яшаган.

Р. Шамсутдинов фотолари. (УзТАГ).

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

◆ Ҳазил бировнинг нафсониятига тегмай, ҳаммани кулдирсагина ўринлидир.

◆ Биров дўстига сир айтиб сўрабди: «Эсингда турадими?» — Йўқ, унутдим, — деб жавоб берибди.

◆Сир бой бердинг— бош бердинг.

◆ Дўст сирини душмандан пинҳон тут!

◆ Овқатдан олдинги уйқу кумуш, кейингиси эса олтиндир.

◆ Посбон ўғриси — ўғрига чироқ.

◆ Уйқунинг кўпи саломатликка зиён.

◆ Сафар ҳамма ҳунарларга пир.

◆ Сафар қилсанг, қалбинг жаҳон кўради.

◆ Харажат меҳмон ҳамёнидан бўлгач, Ҳотамтой бўлиш ҳеч гап эмас.

БАҲОНА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ!

Тўрт цехдан бирортаси ҳам июнь ойи планини бажармади. Ярим йиллик план тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш олти ойда 44,9 процентга етди — комбинат 782 минг сўмлик ўрнига 351 минг сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарди.

«Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли Қурилиш материаллари комбинатининг планлаштириш бўлими бошлиғи Давид Борисович Янпольский қоғозларни титиб, кўрсаткичларга назар ташлар экан, қолоқлик сабабини ўзича изоҳлади:

— Цемент етишмади, инерт материаллар ўз вақтида келтирилмайди. Олти ойда пландаги 11,6 минг тонна ўрнига 7 минг тонна цемент олдик. Инерт материаллар ҳам худди шундай. Биринчи сабаби мана шу.

— Фақат цемент биланмиш инерт материаллар етишмаслиги ишга ҳалақит беряпти денг?

— Йўқ, бугина эмас. Транспорт билан таъминлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Биз ҳар куни 18—20 автомашина ишлатишимиз керак. Аслида 10—11 автомашина юборишяпти. Олти ой мобайнида 1391 автомашина зарур эди. Ўртача ҳисобда 1100 машина берилди. Биринчи кварталда машиналар шаҳарни тозалашга сафарбар этилган. Иккинчи кварталда кўзда тутилган 1200 автомашина ўрнига 824 автомашина жалб этилди. Шуларнинг ҳаммаси план бажарилмай қолишига сабаб бўлди.

Планлаштириш бўлими бошлиғининг далиллари ҳам тўғри. Аммо цехларни айланар экансиз, планнинг бажарилмаслиги ва маҳсулот таннархининг ошиб кетаётганига сабаб бўлаётган бошқа камчиликлар ҳам кўзга ташланади..

Темир йўл шоҳобчаси ёнига жойлашган кенг майдон. Вагонларда келтирилган цемент шу ерга тўкилади. Цемент сақлайдиган бирорта бостирма ҳам йўқ. Жазирама аёз, ёғин-сочин вақтида маҳсулот тупроққа беланиб, намдан қотиб қолган. Эндиликда унн ишлатиб бўлмайди.

— Махсус омбор йўқ. тўғри, маҳсулот сифати бузиляпти, — дейди комбинат директори Виктор Семенович Руденко.— Унинг таннархи қимматлашиб кетаётганининг сабаби ҳам шунда. Масалан бир тонна цемент 13 сўм 50 тийин бўлса, бизга 20—21 сўмдан тушяпти. 2 сўм 50 тийинлик инерт материаллар 4 сўм 50 тийинларга чиқиб кетганига ҳам шундан бошқа сабаб йўқ. Бошқа материаллар ҳам худди шундай.

— Бу ҳақда қурилиш трести ва Бош бошқарма раҳбарларига кўп мурожаат қилинди, — дейди комбинат директори Виктор Семенович Руденко.— Унинг таннархи қимматлашиб кетаётганининг сабаби ҳам шунда. Масалан бир тонна цемент 13 сўм 50 тийин бўлса, бизга 20—21 сўмдан тушяпти. 2 сўм 50 тийинлик инерт материаллар 4 сўм 50 тийинларга чиқиб кетганига ҳам шундан бошқа сабаб йўқ. Бошқа материаллар ҳам худди шундай.

— Бу ҳақда қурилиш трести ва Бош бошқарма раҳбарларига кўп мурожаат қилинди, хона директори.— Илоажимиз қанча? Ишчиларимиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўрнига қурилиш билан банд бўлишмоқда.

Қурилиш материаллари комбинати илгари 4-темир-бетон буюмлари заводининг бир участкаси эди. Ўтган йили 4-трест ихтиёрига ўтказилди. Янгидан иш Омбор ва бостирмалар қурилишига маблағ ажратилмади. Натижада ўз кучимиз ва маблағимиз билан омбор ва бостирма қуришга мажбур бўляпмиз,— дейди корбошлаган хўжалик дарҳол цех ва ускуналарни ремонт қилишга киришди. У ерда корхона моддий базасини тиклаш ҳамон давом этмоқда.

Ўтган йили бирорта ҳам йирик темир-бетон конструкция ишлаб чиқарилмади. Бу йил эса бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқариш кўнгилдагидек эмас.

Комбинат ностандарт конструкцияларни ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Ўтган йили ва йил бошидан буён студентлар шаҳарчасида қурилаётган ўқув корпусларига рикеллар тайёрлаб берди.

Яқинда санитария-техника кабиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар «Шимол» массивида қурилаётган турар жой бинолари учун мўлжалланган. Тўғрисини айтганда, ҳар ойда 60—70 та сантехника кабиналарини тайёрлаш учун 3000 квадрат метр ясси шифер керак. Бундай шиферлар етарли бўлмаганлиги учун янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бошданоқ пайсалга солинди. Қурилиш объектлари эса бундай кабиналарни бошқа ташкилотлардан олишга мажбур бўлмоқда.

Цемент ва шифер материаллар етишмаётганига бошқа биронта ташкилот эмас, балки 4-трестнинг саноат-техника таъминоти бўлими айбли. Шундай экан материал вақтида етказиб берилмаётганлигининг сабабини трест раҳбарларидан сўраш лозим.

Комбинатга 8-автобаза бириктириб қўйилган. «Главташкентстрой» Транспорт бошқармаси раҳбарлари автобазалар ишини реал ташкил қилмаслиги туфайли кўпчилик корхоналарда бу ҳол кўзга ташланмоқда. Бизнингча, автотранспорт ишини намунали йўлга қўйиш учун қурилиш ташкилотларига маълум автобазаларни эмас, балки маълум машиналарни бириктириб қўйиш зарур. Фақат шундагина транспортчиларга бўлган эътирозлар камаяди, шоферларнинг масъулияти ошади.

Қурилиш материаллари комбинати ишда ўзгариш ясамаса, учинчи квартал ва йиллик планнинг бажарилиши ҳам гумон. Буни раҳбарларнинг ўзлари ҳам тан олишмоқда. Эндиги гап комбинат партия ва касаба союз ташкилоти, инженер-техник ходимларнинг тадбирчанлиги, трест раҳбарларининг талабчанлиги ва ишчанлигига боғлиқ. Барча резервлардан ишчи кучи ва материаллардан унумли фойдаланилса, меҳнат тўғри ташкил этилса баҳонага ўрин қолмайди.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.



Високовольт массивидаги «Шарқ» маиший комбинатига қарашли 8-ижара пункти Високовольт ва Черданцев массивларининг аҳолисига намунали маиший хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: ижарага берилаётган туристик чайла.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

БРАЗИЛЧАСИГА ҚУРБОНЛИК

Бразилия дарёларида 15—35 сантиметр узунликдаги пиранье балиқлари яшайди. Улар ўз қурбонларига тўда-тўда бўлиб ҳужум қиладилар. Шу онда ҳоҳ одам бўлсин, ҳоҳ бирор жонивор бўлсин бир неча минутдан сўнг ундан фақат қуруқ суякнинг ўзигина қолади.

Подани дарё орқали олиб ўтишга тўғри келганда, молбоқар пиранье балиқларига «қурбонлик» ҳадя қилади. У ориқ ва кучдан тойган молни танлаб олади-да, «қурбонлик»нинг терисини озгина кесиб, қурбонлик молни сувга ташлайди. Бу муддатда 200 — 300 сигирдан иборат подани дарёдан олиб ўтиш мумкин бўлади.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Соат магнит майдони

Кичик жисмларнинг магнитизмини ўлчаш анча мураккаб иш. Украина Фанлар академиясининг электродинамика институтида бу вазифа муваффақият билан ҳал қилинди. Бу ерда яратилган сезгир асбоб ёрдамида ҳатто жуда заиф магнит майдонини ҳам аниқлаш мумкин. Ғоят аниқ ишлайдиган ўлчов асбоби электрон аппаратлари ва вакуум техникаси яратувчиларга яхши тизмат кўрсатади. **(ТАСС мухбири).**

Киев.

Латвиялик инженернинг ихтироси

Мис сингари юмшоқ металл воситасида тобланган пўлатда тешик ўйиш мумкинми? Фан электр эрозия усули деб аталмиш шундай воситани билади. Иш суюқликка ботирилган мис асбоб электрод вазифасини ўтайди. Шу электрод билан пўлат деталь ўртасида махсус генератор ёрдамида кучли электр разряди ҳосил бўлади. Шундай қилиб, электрод ўз шаклидан нусха кўчирган ҳолда, пўлат буюм бағрига кириб бораверади. Шундай экан, бу усул металларга ишлов бериш технологияси учун ниҳоятда қўл келиши мумкинку! Лекин бундай асбоб жуда тез ейилади ва уни алмаштириш лозим бўлади...

«ВЭФ» электротехника заводининг инженери Лео Розе янги конструкциядаги генератор яратди. Шу генератор туфайли мис электродлар амалда мутлоқ ишдан чиқмайди. Электродлар «абадий» электродларга айланиб, эндиликда асбоб-ускуналар тайёрлаш ва уларни ремонт қилиш процессларида кенг кўламда қўлланилмоқда. Бу янгилик ихтиро деб топилиб, Европадаги бир қанча мамлакатларда патентланди.

(ТАСС мухбири)

Рига.

Атомнинг ўрмондаги «ҳунари»


Фанда радиоактив нурланишлардан муваффақият билан фойдаланилмоқда. Аммо бундай нурланишлар бетон ва пўлат орасидан бемалол ўтиб кетаверсада, ҳозирга қадар... оддий ёғоч олдида «бўшанглик қилиб» қолардн. Шу туфайли мамлакатимиз корхоналарида ёғоч чиқитини ажратувчилик касби сақланиб қолган. Бундаги бирдан-бир асбоб хилловчининг моҳир кўзидир. Ҳар бир ёғоч ёки тахта «шахсан» кўздан кечириб чиқилиши керак. Шундай бўлсада, энг тажрибали кўз ҳам ёғочнинг ичини кўролмайди, унинг яширин нуқсоилариии билолмайди. Кўпинча бундай нуқсонларнинг зарари катта бўлади.

Мана шу сабабдан ҳам, ёғоч тайёрловчилар янги Гамма — дефектоскопни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Асбоб ёғочнинг орасини ҳам «кўра олади» ва ундаги ҳамма кавакларни, кўзларни, структурасидаги майда нуқсонларни ва ҳаттоки ҳашоратлар етказган зарарни ҳам қайд этади. Бундан буён ёғочнинг чиқитини механизмлар ажрата олиши мумкин. Дефектоскоп берган сигнал бўйича бошқарувчи машина «Механик қўл» ёрдамида чиқит ёғоч ёки тахтани конвейердан туртиб туширади.

Гамма — дефектоскопни Томск политехника институти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг кончилик ишлари институти ҳамда ўрмон ва ёғоч институти олимлари яратдилар.

(ТАСС мухбири).

Новосибирск.



Эҳтиёт бўлиб суз болагинам.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ГФР

ҚУРУҚ ПЎПИСА

Жанубий Яман Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Али Салом ал-Байд шу йил 30 июнда Германия Демократик Республикаси билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлигини эълон қилди. Икки ойдан озроқ вақт ичида яна тўрт давлат — Ироқ, Камбоджа, Судан ва Сурия ҳам ана шундай қарор қабул қилди. Хальштейн доктринаси деб аталган сиёсатнинг ҳамда Бонн мурларининг бутун немис халқи номидан гапиришга уринишларн асоссиз эканлигни яна бир бор намойиш қилинди.

ГФР раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур эди. Лекин Бонндагилар Жанубий Яман Халқ Республикасининг қарорини эшитиб, ўзларини тутиша олмади, ГФР ҳукумати ўзининг Аданлаги элчихонасини ёпиши ва элчихона ходимларини чақириб олиши эълон қилинди. Матбуот ва информация идораси раҳбарининг ўринбосари Конрад Алерс пўписа билан, бу қарор ГДРни тан олмоқчи бўлиб турган бошқа мамлакатларга нисбатан маълум таъсир кўрсатади деб эълон қилди.

Қуруқ пўписа! Тажриба кўрсатганидек, Бонн столни қанча муштламасин, ҳеч ким қўрқмайди.

Калькуттада Ленин кўчаси

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистондаги Калькутта шаҳрининг кўчаларидан бири бўлган Дхарматалла кўчасининг номи ўзгартирилиб унга Ленин кўчаси деб ном берилди. «Пэтриот» газетасининг хабар беришига қараганда, шаҳар идораси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан шу қарорни қабул қилган.

Ёрдам учун ташаккур

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ президенти Аҳмад Ҳасак Бакр Бағдод телевидениеси орқали нутқ сўзлаб, Ироқнинг дўст давлатлари билан, шу жумладан Совет Иттифоқи билан муносабатлари ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан табриклади. У миллий индустрияни вужудга келтириш соҳасида муваффақиятларга эришилганлигини айтиб, шу муносабат билан Ироқнинг социалистик мамлакатлар билан тузган битимларини, хусусан Ироқ нефть саноатини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Совет Иттифоқи билан тузилган битимнк алоҳида уқтириб ўтди.

Президент Бакр нутқининг охирида Ироқ олдида турган проблемаларни ҳал этишда ёрдам бераётган Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга, шунингдек, барча дўст давлатларга ташаккур изҳор қилди.

Гири ваколатларини бўйинидан соқит қилди

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Пресс Траст оф Индиа агентлиги хабар беради: Ҳиндистон президенти вазифасини бажарувчи В. Гири 20 июлда ваколатларини бўйинидан соқит қилди.

Ҳиндистон олий судининг бош судьяси М. Ҳидоятулло мамлакат президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида қасамёд қилди. Ҳидоятулло бу лавозимда президент сайлови ўтказилгунча туради. Сайлов эса 16 августда ўтказилади.

ВДР осмонида уриб туширилди

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам халқ армияси зенитчилари Вьетнам Демократик Республикаси ҳаво доирасига бостириб кирган Америкаиинг учувчисиз разведкачи самолётини кеча Хабак вилояти устида уриб туширдилар.


ВИА агентлигининг хабар беришича, шундай қилиб, Вьетнам Демократик Республикаси осмонида уриб туширилган Америка самолётларининг жами сони 3307 тага етди.

Фашистларнинг қулоғи

Ғарбий Германия национал демократларининг раҳбарлари ўз янги нацистик партиясига қандайдир демократик ниқоб кийгизишга уринмоқдалар. Чамаси худди шу мақсадда улар НДП маҳаллий ташкилотларига будестаг аъзолигига ўтмишда нацист бўлмаган кишилар номзодини кўрсатиш ҳақида кўрсатма беришди. Лекин янги нацистларнинг маҳаллий бошлиқлари қанчалик уринишмасин бу кўрсатмани тўла бажаришга олмади. Чунки, НДП кўзга кўринган аъзоларининг кўпчилиги актив нацистлар эди.


ГФР ички ишлар министрлигининг 20 июнда Ғарбий Германия газеталарида эълон қилинган маълумотларига кўра, фон Тадден партияси томонидан будестаг депутатлигига номзоди кўрсатилганлар орасида 22 собиқ гитлерчи бор. Бундан ташқари 67 номзод Ғарбий Германияда уруштан сўнг пайдо бўлган немис империя партияси ва бошқа партияларнинг аъзоси бўлган. Бу партиялар очиқдан-очиқ фашистик характерда бўлганлиги учун тақиқлаб қўйилган эди.

(«Новое время»дан).



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Варшавадаги Феликс Дзержинский майдони.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Суратда: республиканинг денгиз порти Ростон. Бу ерга нўпгина чет ва қардош социалистик мамлакатларнинг савдо немалари келиб-кетиб турадилар. Республиканинг халқ хўжалигига доир юклар ҳам шу портда қабул қилинади ва жўнатилади.

ЭКИПАЖ «РА»ни ТАШЛАБ КЕТДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Сан-Хуандан (Пуэрто - Рико) хабар беради: Папируслан ясалган «Ра» кемаси Атлантика океани сувига секин-аста ғарқ бўлиб бормоқда. Кема ўз марраси — Барбадос оролигача сал кам 600 денгиз миль масофа етолмади. Таниқли норвег тадқиқотчиси Тур Хейердал бошчилигидаги кема экипажи ремонт ишларини тўхтатиб ғарқ бўлаётган кемани ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Кучли пўртана шамоли ва тўлқинлар кема мачтасини, ҳамда рулини синдириб юборди. Яқин атрофда пайдо бўлган акулалар галаси ҳам кема экипажига катта хавф сола бошлади. Баъзи акулалар «Ра»га бир ярим метрга қадар яқинлашиб келди. Буларнинг ҳаммаси ремонт ишларини давом эттиришга халақит берди ва экипаж «Шенандоу» кемасига ўтиб олди.

— Мен шундай қарорга келишга мажбур бўлдим, чунки экипаж аъзоларининг ҳаётини хавф остида қолдира олмасдим,— деди Хейердал.

— Аммо бошимизга тушган бахтсизликка қарамай,— деб давом этди жасур тадқиқотчи.—менинг фикримча «Ра» сафари мисрликлар бундан 5 минг йил муқаддам Атлантика океанини кесиб ўта олишлари мумкин эканлигини кўрсатди.

Қайдасиз, жанговар дўстлар!

1944 йилнинг 13 июнида 6 совет ҳарбий асири Норвегиянинг Драммен шаҳри яқинидаги немис-фашист концлагеридан қочишган эди. Шулардан фақат тўрттаси ғалаба кунигача яшадилар ва уйларига қайтдилар. Булар Александр Тураев, Константин Ежов, Павел Азаров, ва Василий Крячковлар эди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларн бўлган норвегиялик ватанпарварлар совет кишиларига жуда катта ва бебаҳо ёрдам кўрсатдилар. Бунда улар кўпинча ўз ҳаётларини хавф остида қолдирдилар. Тўрт кишидан иккитаси — Александр Тураев ва Константин Ежов уруш охиригача «Ўрмонлик йигитлар» билан Норвегиянинг жанубидаги Телемарк вилоятининг Свардалена водийсида бўлишди. Қолган иккитасини Павел Азаров ва Василий Крячковнинг иши ўнгидан келмади. Улар Хедалла водийсидаги жазоловчилар томонидан облава пайтида қўлга туширилдилар ва Осло яқинидаги Грини концлагерига ташландилар. Лекин улар тирик қолдилар ва озодликни кутдилар.

«Телемарк арбайдербблад» газетаси яқинда шу воқеа ҳақида ёзди. Нуттодендаги норвегиялик ўртоқларга тўрт баҳодир номидан Александр Тураев уйга қайтаётиб ёзган хатни газета кўрнарли жойда босиб чиқарди. Тураев ўз хатида лагердан қочиш тафсилотларини эслайди, улар норвегиялик ватанпарварлар билан қандай қилиб алоқа ўрнатганликларини ҳикоя қиладн. «Биз мана шу шаҳардан биринчи марта ўтган кунимизни ҳеч қачон унутмаймиз, — деб ёзади Тураев. — Бизни машинада кузатиб борган соввуққон ва хотиржам норвегиялик йигитларни ҳам унутмаймиз. Улар бизни немис соқчисига дуч келиб қолсак қўриқлаш мақсадида боришаётганди. Бу сафар билан боғлиқ бўлган хавфни тушунган ақлли ва мард ҳайдовчини ҳам ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай бўлишига қарамасдан у бизни шаҳар бўйлаб олиб ўтди ва Свартдалена водийсигача олиб борди... «Ўрмонлик йигитлар» бўлган бизларга озиқ-овқат, тамаки, кийим ва қурол етказиб бериш сизлар учун қанчалик қийин бўлганлигини тушунган эдик. Биз сизларнинг кўпчилигингиз кўлга тушиб Гринига ташланганликларингизни билардик. Ватанимизга қайтаётиб бизга ким ёрдам берган бўлса ҳаммага чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз, свартдаленалик йигитларга ташаккур айтамиз ва Нутоддеи ҳамда бутун Норвегия халқига энг илиқ истакларимизни йўллаймиз. Кўришгунча хайр.»

«Ақлли ва мард ҳайдовчи» Нутоддеи шаҳрилик такси ҳайдовчи Анкер Осхайм бўлиб чиқди. У ўша вақтдаги воқеаларни ва «рус йигитлар» билан бўлган учрашувларни яхши эслайди. «Телемарк арбайдербладд» мухбири билан қилган суҳбатида, у ўша тарихий сафарнинг айрим деталларига аниқлик киритди: «Руслар,— деб ҳикоя қиладн у.— машинага пулемёт ўрнатишди. Нутоддендан ўтиб боришда биз марказий майдонда немислар саф тортиб машқ ўтказишаётганини кўрдик. Биз уларнинг рўпарасига бориб қолдик. Мен тезликни оширдим ва нима бўлса бўлсин деб, шаҳар кўчаларидан ўтиб кетавердим. Майдонда бизни ҳаттоки маҳаллий полицнячи табриклади... Уруш тугагандан кейин деб давом этди Анкер Осхайм мени ёнимга Александр ва Константин келди. Улар ўзларн қўргошиндан ясаган портсигарни менга совға қилишди. У ҳозир ҳам мен учун энг қимматли эсдаликдир...»


Газетадаги мақола Анкер Осхаймнинг расм билан бирга берилган. У қўлида портсигар ушлаб турибди. Унда ўйилган беш қирралн юлдуз кўриниб турибди. Унинг остига шундай сўзлар ёзилган: «Константин ва Александрдан эсдалик учун».

Норвегияда умумий душман немис-фашист босқинчиларига қарши курашган совет кишилари ҳақида жуда илиқ гапларни айтадилар. Норвегиялнклар уларнинг ватани ўз озодлиги учун ким олдида қарздорлигини яхши биладн. Улар ўзларининг жанговар дўстларини муҳаббат билан эслайдилар ва уларга шундай дейдилар:

— Энди қаердасиз, жанговар дўстлар! Биз га ёзинг...

Карл ВЕСЕНБЕРГ,
АПН мухбири.

Осло.



ТРЕНЕР ТАШВИШЛАРИ... Н. Надеждин фотоэтюдлари.

● ФУТБОЛ

МУХЛИСЛАР ЗЕРИКИШМАДИ

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаларининг саралаш ўйинлари тугаб, кучли 14 коллектив аниқлангач, қисқа муддатли танаффус эълон қилинди. Бироқ ана шу танаффус вақтларида ҳам футбол мухлислари зерикиш нималигини билмадилар. Улар СССР кубоги учун чорак финал мусобақаларининг гувоҳи бўлишди.

Футбол ишқибозларини Москвадаги ўйин катта қизиқиш уйғотган эди. Чунки, ташланган қуръага кўра Москва армиячилари мамлакат чемпиони—Киев динамочилари билан беллашиши лозим эди. Шуниси ҳарактерлики, «Динамо» коллективи биринчилик мусобақаларида ҳар йилгидек, бу йил ҳам Ватанимиз пойтахтида чиройли ўйинлар кўрсатишган эди. 17 июль куни ўтказилган ўйин ҳам ишқибозларни қувонтирди. 90 минутлик қизғин кураш қайси команда кучли эканлигини аниқлаб беролмади. Кейин командалар қўшимча 30 минутлик ўйинга тушдилар. Худди шу қўшимча вақтда бахт армиячиларга кулиб боқди. Ўйинининг 104-минутида Марказий армия спорт командасининг ҳужумчиси Б. Абдураимов кучли зарб билан Рудаков дарвозасига тўп киритди. Шундай қилиб, армиячилар ярим финалга йўлланма олишди.

СССР кубоги ўйинларида иккинчи лига коллективларининг муваффақиятли қатнашаётганлиги қувончли ҳолдир. Бунга Николаевнинг «Судостроитель» ва Львовнинг «Карпати» командаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. «Судостроитель» автозаводчилар билан учрашиб уларни доғда қолдирдилар. СССР кубогининг эгалари бу учрашувда «ўйиндан ташқариги ҳолат»да бўлиб қолишди. Улар ўз майдонида 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Ярим финалга чиққан николаевлик чарм тўп устали ари ўтган шанба куни Львов шаҳрида маҳаллий «Карпати» командаси билан учрашишди. Ўйинни юксак савияда ўтказган львовлик футболчилар рақибларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқдилар. Бу — «Карпати» коллективининг кубок ўйинларидаги катта ғалабасидир.

Хўш, СССР кубогининг эгаси кимлар бўларкин? Футбол ишқибозларини ана шу савол қизиқтирмоқда. Лекин бу саволга 9 август кунигина жавоб олиш мумкин. Шу кунги 2 финалчи Ленин номидаги Марказий стадионнинг яшил майдонига тушади. Ҳозирча бу икки финалчининг бири аниқ. У «Карпат» командаси.

Иккинчи финалчи эса 29 июль куни аниқланади. Шу куни Москва ва Ростов армиячилари бир-бири билан беллашадилар.

* * *

СССР Терма командаси ўйинчилари саралаш ўйинларига тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Улар ўтган якшанба куни мамлакат Олимпиада Терма командаси билан Львов шаҳрида ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ўйинда ҳисоб очилмади. Совет футболчилари 25 июль куни Лейпциг шаҳрида Германия Демократик Республикасининг Терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

Кеча эса 14 кучли коллективдан иккитаси иккинчи босқичдаги ўйинларни бошлаб юборишади. Бунда Москва автозаводчилари Луганскнинг «Заря» коллектив билан беллашадилар.



САКРАБ МАШҚ ҚИЛИШ...

Ҳодиса

АЙБДОР ЖАЗОЛАНДИ

Альбек Абубакиров 20 ёшда. У шаҳардаги биринчи механика-ремонт заводида юкчи бўлиб ишларди.

Яқинда иш тамом бўлгач, Альбек Марьесеев кўчасидан ўтиб бораётиб, йўл четида маст ётган Сладковни кўради.

У дарҳол Сладковга яқинлашиб, уни ечинтира бошлайди. Сладков унга қаршилик қилади. Бироқ, Альбек Сладковнинг юзи ва бошига қаттиқ тепиб, уни жароҳатлайди. Ҳушидан кетгач, уни тамоман ечинтириб, ёнидан 68 сўм пулини олади-ю, қочмоқчи бўлади. Бу пайт милиция ходимлари ёрдамга келишади. Улар Альбекни ушлаб, Сладковни эса касалхонага жўнатишади...

Кўча безори Альбек терговда қилган жиноятларига иқрор бўлди. Кунн-кеча биринчи ремонт-механика заводи клубида А. Абубакиров устидан суд бўлди. Безори қилмишига яраша жазоланди.

Х. РИЗАЕВ.

Қуйбишев район халқ судининг маслаҳатчиси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● ДУНЁ АЖОЙИБОТЛАРГА ТЎЛА

ЎЛИБ ТИРИЛГАНЛАР

«Одам ҳамма нарсани бошидан ўтказган, лекин ўлиб кўрмаган» дейдилар. Биз «йўқ, одам ўлиб ҳам кўрди» демоқчимиз. Ҳечким ўз хоҳиши билан ўлмайди- демак, у ўлимга қарши илож қидиргани-қидирган. Бу иложлар мана бундай тажрибалардан бошланган.

Рус фармакологи И. П. Кравков мурданинг бармоғини кесиб олади-да, уни махсус суюқликка (Рингер-Локк) солиб қўяди. Орадан неча кунлар ўтиб кетса-да, бармоқ аслидек тура беради, тирноқ ҳам ўсаберади. Профессор А. А. Кулябко худди шу тажрибани қалқон бези билан қилиб кўрди, без ҳам ҳеч айнамади. Бу олим эндиги тажрибани юрак устида ўтказади. У ўлганига 24 соат бўлган мурданинг юрагини олиб, унинг томирларига ҳалиги Рингер-Локк суюқлигини юбориб туради. Ажабо, юрак типирчилаб ишга тушиб кетади. В. Демихов 24 соат суюқликда сақланган юракни ишга солади. С. В. Андреев эса ўлганига 120 соат бўлган ўликнинг юрагини тирилтирган. Физиологлар Брюхоненко ва Чечулин яна бир ажойиб тажриба ўтказадилар. Итнинг бошини шартта кесиб олиб, унинг томирларига ҳалиги суюқликни юборадилар. Минг ажабки, танадан жудо бўлган бошга жон киради: кўзлари очилади, ёруғ нур рўпарў қилинса, бош кўзларини юмиб олади. Лабларига кислота тегизилса, тилини чиқариб ялайди. Демак, ҳайвон ва одам аъзоларини озиқлантирувчи махсус суюқлик билан қайта жонлантирса бўлади.

Япониянинг Кобе шаҳар олимлари бир қатор қизиқ тажрибалар ўтказадилар. Мушукнинг танадан ажратилган бош мияси 203 кун мобайнида музлатиб қўйилди. Сўнг унга асбоблар ёрдамида қон юборилган эди, мия «тирилди». Миядa кўзга кўринарли функционал ўзгаришлар рўй бермади.

Профессор Брюхоненко ва Чечулинлар ҳам бошқа турдаги тажрибаларга ўтишади. Буян деган итнинг бўйин томирини кесиб, қонини батамом чиқариб юборишди. Энди Буян мутлоқ ўлган эди. 6 минутдан сўнг профессорлар итнинг қонини ўзига қайта қуйдилар. Воажаб, ит қайта тирилди. Буян «у дунёдан» қайтиб келганидан бехабар профессорлар билан илгарилардек самимий муносабатда эди.

Энди навбат одамга!

Профессор Неговский қонсираб ўлган сержант Черепановга 4 минут 30 секунд ўтгандан сўнг ўз усули билан қон юборади, Черепанов иккинчи бор ҳаётга қайтади. Профессор Улуғ Ватан уруши йилларида қон йўқотиб ҳалок бўлган 54 та жангчига қайта жон ато этади.

Сўз шу ерга келганда икки оғиз ўлим ҳақида сўзлашиб олайлик. Дунёдан кўз юмишнинг икки босқичи бор. Биринчи босқич клиник ўлим. Бу пайтда юрак ва бош мия ишдан чиқади, лекин баданда қисман бўлса-да, модда алмашинуви давом этади. Бу муддат 5-6 минутгача чўзилади, сўнг иккинчи босқич—биологик ўлим юзага келади. Биологик ўлим дунёдан абадий видолашув демакдир.

Тирилиш муаммоси устида сўз борар экан, биз ўлимнинг биринчи босқичи — клиник ўлимни назарда тутамиз. Бу пайтда ўликни қайта тирилтирса бўлади. Тирилтириш учун баданда ўлимга сабаб бўлган шикаст, жароҳат бўлмаса, юрак ва бош соғлом бўлса бас. Масалан, киши совукда қотиб қолса- электр токи урса- қон йўқотган бўлса, бирор дориdан захарланса ҳам барибир асосий ҳаётий аъзолар унча шикаст емаган бўлади. Мана бир ҳодиса. Бир танишим тўсатдан ўлиб қолиб, сўнг тирилиб мақоллада дуэдув гапларга сабаб бўлди. Ўликнинг рафиқаси айтишича, эр ишдан қайтиб, дам олиб ётган экан. Овқат тайёр бўлиб, эрини уйғотай деса, унда эс-ҳушдан дом-дарак йўқ экан. Дод-войдоддан ҳозир бўлган шифокорлар текшириб кўришса, у ҳақиқатан нафас олмайди, юрак уриши эшитилмайди, кўз қорачиғи эса кенгайиб кетган, нафасидан шиша, ойна хиралашмайди, демак- ҳаётий рефлекслар мутлоқ ўчган. Бадан ҳам совуқ. Одамнинг тилини-учида бир сўз турипти-ю, лекин айтишга ботинолмайсан. Бизлар ҳам вақтни бой бермай, ритм билан қўлларини кўкрагига босиб, сунъий нафас олдира бердик- юрагига тўппа-тўғри адреналин укол қилдик. Шу пайтда махсус тиббий машина ҳам етиб келди. Ошиққан шифокорлар қанча уринсалар ҳам, барибир уни тирилтира олмайдилар. Натижада мурдани ўзлари билан бирга олиб кетадилар. Тун тинч ўтди. Эртаси наҳорда танишимдан ҳабар олгани касалхонага бордим. Ҳайрият, у тирик. Мени ижжайиб кутиб олди. Мен «нима гап!» деб сўрадим. У кулғимга шивирлаб:

— Валериан томчиси деб бошқа дориdан ичиб қўйибман, — деди.

Мен яна:

— Сиз ҳеч нарсани сездингизми? — деб сўрадим.

— Йўқ, йўқ, ҳеч нарсани билганим йўқ, — деб қатъий жавоб берди танишим.

Агар зудлик билан юқоридa баён этилган тиббий муолажалар дамба-дам кўрсатилмаса эди, бу танишим муқаррар «борса келмасига» кетган эди. Клиник ўлим муддати муолажалар туфайли (сунъий нафас олдириш, юрак массажи ва адреналин укоди бир ярим соатгача чўзилди.

Совукда қотиб ўлиб қолганда ҳам клиник ўлим муддати бир неча соатгача чўзилади. Масалан, «Ярославский» совхозининг тракторчиси В. Харин совукда музлаб ўлиб қолганига бир неча соатлар бўлса-да, шифокорлар мураккаб тадбирлар қўллаб, уни оёққа тургизиб юборишди.

Бир кун қўшним Фарҳодни ток уриб ўлдириб қўйибди, жон-понидан асар йўқ экан. Шу дамда шифокор Иноғомжонов Неъматжон ҳозир бўлади-да- сунъий нафас олдира бошлайди, вақти-вақти билан юракни кўкрак устидан уқалар эди. Бу орада юрак дорилари ҳам укол қилинади. Фарҳод аста-секин ўзига кела бошлайди, бетига ранг югуради. Тез ёрдам машинаси етиб келганда у оёққа турган эди.

— Фарҳод, нима бўлди? — сўрадик биз.

— Билмайман, — деб жавоб берди у.

Маълумки, бундай ўликлар илгарилари кўмилиб кетар эди.

Бош мия организмда қонга энг сезгир органдир. Агар мияга бир дақиқа қон келмаса, у дархол тормозланади, киши беҳуш бўлади. Улим талвасасида (Агония) ҳам шундай бўлади. Ҳаракатми, сўзми ёки бирор амалми, онгсиз, оғриқсиз содир бўлади; яъни бош мия ҳеч нарсани сезмайди, бинобарин одам ўз аҳволидан бехабар қолади. Москвада бир беморнинг томоғидан варақлаб қон оққан. Тез ёрдам машинаси етиб келганда беморнинг нафаси тиқилиб ўлиб бораётган эди, ниҳоят, у эс-хушини ҳам йўқотди, чунки юрак уриши ва нафас олиш мутлоқ тўхтаган эди. Диагноз: клиник ўлим. Шифокор қатъий ва махсус иложлар қилиб юрак ва ўпкаларни ишга солиб юборади. Бир оздан сўнг бемор ўзига келиб:

— Доктор, кечирасиз, кўзим илингандай бўлибди. — деди. Демак, клиник ўлим беморга ухлагандек сезилган.

Одамнинг клиник ўлимдан қутқариш устидаги ижобий тажрибалар шифокорларга кенг имкониятлар беради. Эндиликда одам бўлар-бўлмасга ўлиб кетавермайди. Касалхоналарда операция стопи устида юрак ёки нафас тўхтаб ўлиб қолишлар каби ҳолатлар эндиликда камдан-кам учрайди. Кўча-кўйда ҳам шундай. Клиник ўлим олдида, ёки ўлмоқчи бўлган одамнинг қошида (чиқмаган жондан умид») шифокорлар пойдо бўладилар.

Тошкент тез медицина ёрдами, Тошкент медицина институтларининг кундалик ҳаётида ўлиб тирилганлар эндиликда тез-тез учраб туради.

Ижодкор ва яратувчи шифокорларга офарин.

Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА,
Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ

Медицина фанлари кандидатлари



ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

24 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Ирригация қурилишларида» деган эшиттириш (ўзбекча). **18,10** Романслар. **19,20** Татар куйлари. **20,00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20,40** Дўстлик қўшиқлари (ўзбекча). **21,00** «Жаҳон социализм системаси — антиимпериалистик ҳаракатнинг таянчи» деган суҳбат (ўзбекча). **21,15** «Гулладётган Мирзачўл» деган музикали-адабий композиция (ўзбекча). **22,30** Шўх концерт. **22,40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). **23,15** Маком кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 «Ёшлар ижоди» (ўзбекча). **19,30** «Сенга, партия!» деган музикали адабий композиция (русча). **20,00** Тожик халқ қўшиқлари. **20,30** Чолғу куйлари. **21,00** «Янги таржималар». Андрей Ушит. «Сабаб ва оқибат» (ўзбекча). **21,40** Москва

25

И Ю Л Ь

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. **7,40** Ёш ижрочилар концерти. **8,25** Музикали драмалардан парчалар. **9,30** Куйлардан-куйларга. **9,50** Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча) **11,15** «Аҳолига — граждан мудофаси ҳақида! циклидан (русча). **11,30** М. Ашрафий Бешинчи симфоник сюита. **13,30** Вальс концерти. **15,15** «Замондошларимиз» циклидан. М. Аҳмедовнинг «Умр ва йўл» деган радиоочерки (ўзбекча). **15,30** Ленин ва Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар. В. Кочетов. «Тушиш бурчаги» романидан парча (ўзбекча). **16,10** Ёшлар учун музикали соат (ўзбекча). **16,50** «Правда» газетасининг обзори. **17,00** С. Юдаков «Кашмир қўшиғи» адабий-музикали композицияси.

18,00 «Болаларни атеистик руҳда тарбиялаш — ҳар бир кишининг бурчи» деган суҳбат (ўзбекча). **18,10** Совет экрани куйлари. **19,20** Татар куйлари. **20,00** «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча). **20,30** Саноат ходимлари учун концерт. **21,00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21,10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22,20** Халқ қўшиқлари. **22,40** М. Иброҳимовнинг Ленин ўтмиш маданияти ҳақида» деган суҳбати. **23,15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Кальман ва Легар оператталаридан парчалар. **9,15** Реклама ва эълонлар.

19,00 «Бахтиёр ёшлигим» деган музикали-адабий композиция (ўзбекча). **19,30** «Композитор Н. Чуркин» деган концерт-очерк (русча). **20,00** Рубобчи аёллар ансамблининг концерти. **20,30** С. Юдаков. «Ленин хотирасиз» поэмаси. **20,50** «Сабзавотқорлар ўз ваъдаларининг устидан чиқадилар» (русча). **21,00** У. Назаров. «Гирдоб» номли янги повестдан парча (ўзбекча). **21,40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13,00 В. Шекспир. «Вероникалик икки йигит» спектаклининг монтажи. **15,30** Ўзбек классик куйлари. **16,00** Ю. Шапорин: «Декабристлар» операси.

ТЕЛЕВИЗОР

24

И Ю Л Ь

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. **18,35** Болалар учун қўғирчоқ телевизион театри (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18,55 Телевизион янгиликлар. **19,10** «Портфеллик шайтон». Бадиий фильм. **20,20** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20,30 Телевизион янгиликлар. **20,45** Халқ контроли экрани. **21,15** «Ерқин ҳаёт» программаси. **22,15** «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильмининг учинчи серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДЎСТЛИК ЭКРАНИ.

Рус тилида: 18,00 Телевизион янгиликлар. **18,20** Тошкент илон питомнигида. **18,40** Об-ҳаво ҳақида. **19,10** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси оркестри ва солистларининг концерти.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Янгиликлар. **20,15** «Мўъжизалар ўлкаси». Адабий театр. **21,15** Ҳамма дераза қуёшга қараган. **22,00** Ранган телевидение программаси. СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Австралиянинг хотини». Бадиий фильм. **23,30** «Вақт» информацион программаси. **00,15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20,00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

25

И Ю Л Ь

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18,35** Телевизион янгиликлар. **18,50** «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон комсомоли. **19,30** Болалар учун. «Сиз учун ишлайдиганлар ҳақида». Қўғирчоқ фильм. **19,50** Музикали программа. **20,30** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20,40 Телевизион янгиликлар. **20,55** «Олтин водий» программаси. **22,05** «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильмининг 4-серияси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23,30 Янгиликлар эстафетаси. **00,15** «Саратон ёмғири». Телевизион бадиий фильм. **01,00** Интервидение. «Жасур денгизчи». **02,00** Интервидение. Футбол бўйича СССР —ГДР командалари ўртасидаги халқаро ўртоқлик учрашуви. ГДРдан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида янгиликлар. **03,45** Кўрсатувлар программаси. **03,50** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13,30 Янгиликлар. **13,15** Ўқувчилар учун. «Биз шу ерда яшаймиз». **13,45** Ўқувчилар учун эшиттириш. **15,15** Ўқувчилар учун. «Ажойиб киши лар ҳаёти». М. И. Калинин. **15,15** Москва кундузги кўрсатувларнинг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18,00 Иншони қандай ёзмоқ керак? **18,20** Атрофимизни қуршаган дунё.

19,00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. **20,00** Янгиликлар. **20,15** «Рус диёри ҳақида қисса». Телевизион музикали фильм. **21,00** «Жасорат» Телеальманах. СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланади. **21,30** М. Ашрафий. «Муҳаббат тумори». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20,00 Симофник оркестр чолғу асбоблари. Гобой. **20,40** Беш йиллик илгорлари.

Рус тилида: 21,00 Сибирь балети Японияда. Ҳужжатли фильм. **21,30** «Лисистрат». Телеспектакль.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24|VII да **Фарғона тонг отгунча**, 25|VII да **Нурхон**. 26|VII **Гавҳари Шамчироғ**.

Кино

24 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Абст тажрибаси —«ДРУЖБА» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (кечқурун), «МОСКВА» (кеч 7 да).

Шошилинч ниноқ — «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Оқ рояль — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (соат 9-20 минутда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кечқурун).

Оила жанжали — «ЎЗБЕКИСТОН», (кечқурун).

Дўстим Нодар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Йўлнинг ўндан бири — ТЕЛЬМАН номли.

Махтумқули — НАВОИЙ номли.

25 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Оила жанжали — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Доктор Абст тажрибаси —«ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун, тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.45 ва кундуз 1-30 минутда).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Дўстим Нодар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (Ўзбек тилида) —НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Йўлнинг ўндан бири (эрталаб соат 10, кундуз 1-20 минут, 5 ва кеч 9 да), **«24—25» қайтмади** (эрталаб 11.40 минут, кундуз 3 ва кеч 7 да) — «МОСКВА».

Оқ рояль — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун, жуфт соатларда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Оқ рояль — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ 115-УРТА УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБИ

1969—70 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили

9 синфларга физик-операторлар ва математик-ҳисобчилар мутахассислиги бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабни тугатган ўқувчилар ҳисоблаш маркази, кибернетика институти ва электрон ҳисоблаш машиналари бўлган муассасаларда **программист ҳисобловчи ва физик-оператор бўлиб** ишлашлари мумкин.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, 8-синф шаҳодатномаси.

Мактаб адреси: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Ц-13, 40-уй (10-троллейбус ва трамвай, 8, 10, 14-автобусларнинг «84-завод» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 24 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2806.

Р. 04515.